**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ**

**МИНИСТЕРСТВО ЮСТИЦИИ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

100047, Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси, 5-уй
Тел.: (998 71) 233 39 38 Факс: (998 71) 233 48 44
www.minjust.uz, эл. почта: info@minjust.gov.uz

100047, город Ташкент, улица Сайилгох, 5
Тел.: (998 71) 233 39 38 Факс: (998 71) 233 48 44
www.minjust.uz, эл. почта: info@minjust.gov.uz

**2015 йил 24 июнь**
**8/7-504/4-сон**

**“O’zbekiston respublika valyuta birjasi”**
aksiyadorlik jamiyati
(7)

**“O’zbekiston respublika valyuta birjasi”** aksiyadorlik jamiyatінинг уставига киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар 2015 йил 24 июнда давлат рўйхатидан ўтказилди.

Илова: 7 варақда.

**Юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси бошлиғи** **М.Махмудов**

Ижрочи: Х.Абдураимов
Тел: 233-75-97

“O’ZBEKISTON RESPUBLIKA VALYUTA BIRJASI” AKSIYADORLIK JAMIYATI
KEL 05-02-511
SANA 26.06.15

24.06.2015

**“ТАСДИҚЛАНГАН”**
**2015 йил 19 июндаги**
**“ЎзРВБ” АЖ акциядорлари**
**навбатдан ташқари умумий йиғилишида**
**(70-сонли баён)**

**“ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКА ВАЛЮТА БИРЖАСИ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ УСТАВИГА КИРИТИЛГАН ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР**

| Т/р | Амалдаги таҳрирда | Янги таҳрирда | Изоҳ |
|---|---|---|---|
| 1. | I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР<br>1. “Ўзбекистон республика валюта биржаси” акциядорлик жамияти (кейинги ўринларда - Биржа) ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни, Фуқаролик кодекси ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширади. | I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР<br>1. “Ўзбекистон республика валюта биржаси” акциядорлик жамияти (кейинги ўринларда - Биржа) ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги, **“Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида”ги Қонунлар**, Фуқаролик кодекси ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширади. | Таҳририй тузатиш киритилмоқда. |
| 2. | II. ***НОМЛАНИШИ*** ВА МАНЗИЛИ | II. **ФИРМА НОМИ** ВА МАНЗИЛИ | Ўзбекистон Республикасининг "Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида"ги Қонунининг (янги таҳрирдаги) 4-моддасига мувофиқ таҳририй тузатиш киритилмоқда. |
| 3. | III. ФАОЛИЯТНИНГ МАҚСАДИ, АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ ВА МУДДАТИ<br>6. Биржа фаолиятининг мақсади ***валюта бозори, давлат қимматли қоғозлари бозори, молиявий ҳосила инструментлар ва пул бозорида биржа савдоларини мунтазам равишда*** ташкил этилиши ва ўтказилишини таъминлашдан иборат. | III. ФАОЛИЯТНИНГ МАҚСАДИ, АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ ВА МУДДАТИ<br>6. **Биржа - олдиндан белгиланган жой ва муайян вақтда, белгиланган қоидалар асосида валюта бозори, давлат қимматли қоғозлари бозори, молиявий ҳосила инструментлари (деривативлар) ва пул бозорида биржа савдоларини ташкил этувчи юридик шахс.**<br>**Биржа фаолиятининг мақсади биржа товарлари бозорини ташкил этилиши ва тартибга солинишини ҳамда талаб ва таклиф асосида биржа товарларининг нархларини ушбу бозорда шакллантирилишини** | Ўзбекистон Республикаси "Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида"ги Қонунининг (янги таҳрирдаги) 3 ва 7 моддаларига мувофиқ таҳририй тузатиш киритилмоқда. |



| | | | |
|---|---|---|---|
| | 7. Биржа фаолиятининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:<br>1) хорижий валютани харид қилиш ва сотиш бўйича банклараро савдоларни ташкил этиш ва ўтказиш, ***савдо натижалари бўйича миллий ва хорижий валюталарда ҳисоб-китобларни амалга ошириш;*** | **таъминлашдан иборат.**<br>7. Биржа фаолиятининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:<br>1) хорижий валютани харид қилиш ва сотиш бўйича банклараро **биржа** савдоларни ташкил этиш ва ўтказиш, **савдо натижалари бўйича миллий валютанинг хорижий валюталарга нисбатан курсини белгилаш;** | Таҳририй тузатиш киритилмоқда. |
| | ***2) савдо натижалари бўйича миллий валютанинг хорижий валюталарга нисбатан курсини белгилаш;*** | **Чиқариб ташланмоқда.** | Уставнинг 7-банди 1-бандостига кўчирилди. |
| | 3) давлат қимматли қоғозларини чиқариш ва муомалада бўлишига оид меъёрий ҳужжатларга мувофиқ давлат қимматли қоғозлари бўйича савдоларни ташкил этиш ва ўтказиш, улар бўйича ***ҳисоб-клиринг*** ҳамда депозитар ***фаолиятни*** амалга ошириш; | **2)** давлат қимматли қоғозларини чиқариш ва муомалада бўлишига оид меъёрий ҳужжатларга мувофиқ давлат қимматли қоғозлари бўйича савдоларни ташкил этиш ва ўтказиш, улар бўйича **ҳисоб-китоб-клиринг** ҳамда депозитар **операцияларни** амалга ошириш; | Таҳририй тузатиш киритилмоқда. |
| | 4) молиявий ҳосила инструментлари (деривативлар) билан савдоларни ташкил этиш ва ўтказиш; | **3)** молиявий ҳосила инструментлари (деривативлар) билан **биржа** савдоларни ташкил этиш ва ўтказиш; | Таҳририй тузатиш киритилмоқда. |
| | 5) пул бозорида ***банклараро*** савдоларни ташкил этиш ва ўтказиш; | **4)** пул бозорида **биржа** савдоларни ташкил этиш ва ўтказиш; | Таҳририй тузатиш киритилмоқда. |
| | 6) биржа савдолари иштирокчилари учун миллий ва хорижий валюталарда ҳисоб-клиринг хизматини кўрсатишни ташкиллаштириш; | **5)** биржа савдолари иштирокчилари учун миллий ва хорижий валюталарда ҳисоб-**китоб-**клиринг хизматини кўрсатишни ташкиллаштириш; | Таҳририй тузатиш киритилмоқда. |
| | ***Тўлдирилмоқда.*** | **6) биржа товарларига бўлган талаб ва таклифнинг нисбати асосида уларни котировкалашни (уларнинг нархини белгилашни) амалга ошириш;** | Ўзбекистон Республикаси "Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида"ги Қонунининг (янги таҳрирдаги) 6-моддасига мувофиқ тўлдирилмоқда. |
| | 7) Биржа инфратузилмасини ривожлантириш;<br>8) Биржа аъзолари учун мажбурий бўлган биржа савдолари қоидаларини, шунингдек намунавий шартномаларни ва тузилган битимларни расмийлаштириш учун ҳужжатларнинг стандарт шаклини ишлаб | 7) Биржа инфратузилмасини ривожлантириш;<br>8) Биржа аъзолари учун мажбурий бўлган биржа савдолари қоидаларини, шунингдек намунавий шартномаларни ва тузилган битимларни расмийлаштириш учун ҳужжатларнинг стандарт шаклини ишлаб чиқиш; | |

| | | | |
|---|---|---|---|
| | чиқиш;<br>9) биржа *савдолари иштирокчиларининг* касбий малакасини юқори савияда сақлашни таъминлаш;<br>10) биржа савдолари иштирокчиларини *тегишли маълумот ва* ахборотлар билан таъминлаш, уларга зарур бўлган маслаҳат ва бошқа турдаги хизматларни кўрсатиш;<br>11) биржа савдоларини ташкил этиш ва ўтказиш, шунингдек *ҳисоб-китобларни* амалга ошириш учун дастурий таъминотларни ва автоматлаштирилган мажмуаларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш;<br>12) Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа фаолият турларини амалга ошириш. | 9) **Биржа аъзолари ходимларининг (трейдерларининг)** касбий малакасини юқори савияда сақлашни таъминлаш;<br>10) биржа савдолари иштирокчиларини **ҳар бир биржа савдосининг якунлари тўғрисида тегишли ахборотлар** билан таъминлаш, уларга зарур бўлган маслаҳат ва бошқа турдаги хизматларни кўрсатиш;<br>11) биржа савдоларини ташкил этиш ва ўтказиш, шунингдек **ҳисоб-китоб-клиринг ва депозитар опрецияларни** амалга ошириш учун дастурий таъминотларни ва автоматлаштирилган мажмуаларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш;<br>12) Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа фаолият турларини амалга ошириш. | Таҳририй тузатиш киритилмоқда.<br>Ўзбекистон Республикаси "Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида"ги Қонунининг (янги таҳрирдаги) 6-моддасига мувофиқ таҳририй тузатиш киритилмоқда.<br>Таҳририй тузатиш киритилмоқда. |
| 4. | IV. ЮРИДИК МАҚОМИ<br>9. Биржа *Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ* акциядорлик жамияти шаклидаги юридик шахс бўлиб, у ўз мустақил балансида ҳисобга олинадиган алоҳида мол-мулкка, шу жумладан ўзининг устав фондига (устав капиталига) берилган мол-мулкка эга. | IV. ЮРИДИК МАҚОМИ<br>9. Биржа акциядорлик жамияти шаклидаги юридик шахс бўлиб, у ўз мустақил балансида ҳисобга олинадиган алоҳида мол-мулкка, шу жумладан ўзининг устав фондига (устав капиталига) берилган мол-мулкка эга. | Таҳририй тузатиш киритилмоқда. |
| | 13. Биржа **республикамизда** ва бошқа давлатлар ҳудудида филиаллар ташкил этиши ва ваколатхоналар очиши, акциядорлик жамияти ёки масъулияти чекланган жамият шаклидаги шўъба ва тобе хўжалик жамиятларига эга бўлиши мумкин. | 13. Биржа **Узбекистон Республикасида** ва бошқа давлатлар ҳудудида филиаллар ташкил этиши ва ваколатхоналар очиши, акциядорлик жамияти ёки масъулияти чекланган жамият шаклидаги шўъба ва тобе хўжалик жамиятларига эга бўлиши мумкин. | Таҳририй тузатиш киритилмоқда. |
| | 14. Биржа ўз мажбуриятлари юзасидан ўзига тегишли барча мол-мулк билан жавобгар бўлади.<br>*Кўчирилмоқда.* | 14. Биржа ўз мажбуриятлари юзасидан ўзига тегишли барча мол-мулк билан жавобгар бўлади.<br>**Акциядорлар Биржанинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди ва унинг фаолияти билан боғлиқ зарарларнинг ўрнини** | Уставнинг 15-бандидан кўчирилди. |



24.06.2015

| | | | |
|---|---|---|---|
| | | **ўзларига тегишли акциялар қиймати доирасида қоплаш таваккалчилигини ўз зиммасига олади.** | |
| | *15.* Акциядорлар Биржанинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди ва унинг фаолияти билан боғлиқ зарарларнинг ўрнини ўзларига тегишли акциялар қиймати доирасида қоплаш таваккалчилигини ўз зиммасига олади. | **Чиқариб ташланмоқда.** | 15-банд Уставнинг 14-бандига кўчирилганлиги учун чиқариб ташланмоқда. |
| | *16.* Акциялар ҳақини тўлиқ тўламаган акциядорлар Биржанинг мажбуриятлари юзасидан ўзларига тегишли акциялар қийматининг тўланмаган қисми доирасида солидар жавобгар бўлади. Биржа акциядорларнинг мажбуриятлари бўйича жавобгар бўлмайди. | **15.** Акциялар ҳақини тўлиқ тўламаган акциядорлар Биржанинг мажбуриятлари юзасидан ўзларига тегишли акциялар қийматининг тўланмаган қисми доирасида солидар жавобгар бўлади. Биржа акциядорларнинг мажбуриятлари бўйича жавобгар бўлмайди. | |
| | *17.* Биржа ўзининг фирма номи давлат тилида тўлиқ ёзилган ҳамда жойлашган ери кўрсатилган юмалоқ муҳрга эга. Биржа ўзининг номи ёзилган штамп ва бланкаларга, ўз тимсолига, шунингдек белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган товар белгисига ҳамда фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг, товарларнинг, ишларнинг ва хизматларнинг хусусий аломатларини акс эттирувчи бошқа воситаларга эга бўлишга ҳақли.<br>*Кўчирилмоқда.* | **16.** Биржа ўзининг фирма номи давлат тилида тўлиқ ёзилган ҳамда жойлашган ери кўрсатилган юмалоқ муҳрга эга. Биржа ўзининг номи ёзилган штамп ва бланкаларга, ўз тимсолига, шунингдек белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган товар белгисига ҳамда фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг, товарларнинг, ишларнинг ва хизматларнинг хусусий аломатларини акс эттирувчи бошқа воситаларга эга бўлишга ҳақли.<br>**Биржада иш давлат тилида юритилади, шунингдек, давлат тили билан бир қаторда бошқа тилларда ҳам амалга оширилиши мумкин. Ўзбек ва рус тиллари Биржанинг расмий тиллари ҳисобланади.** | Уставнинг 18-бандидан кўчирилди. |
| | *18.* Биржада иш давлат тилида юритилади, шунингдек, давлат тили билан бир қаторда бошқа тилларда ҳам амалга оширилиши мумкин. Ўзбек ва рус тиллари Биржанинг расмий тиллари ҳисобланади. | **Чиқариб ташланмоқда.** | 18-банд Уставнинг 16-бандига кўчирилганлиги учун чиқариб ташланмоқда. |

| | | | |
|---|---|---|---|
| | *Тўлдирилмоқда.* | **17. Биржа:**<br>**котировкалаш, арбитраж, ва бошқа биржа комиссияларини ташкил этишга;**<br>**агар биржа товарларининг котировкалари (нархлари) биржа томонидан белгиланган чегаравий миқдордан ўзгариб кетса, биржа савдоларини тўхтатишга;**<br>**биржа ахборотномалари, маълумотномалари ҳамда бошқа ахборот ва реклама материалларини чиқаришга ҳақли.**<br>**Биржа қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.** | Ўзбекистон Республикаси "Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида"ги Қонунининг (янги таҳрирдаги) 6-моддасига мувофиқ тўлдирилмокда. |
| | *Тўлдирилмоқда.* | **18. Биржа:**<br>**биржа савдоларини ташкил этиши;**<br>**биржа товарларига бўлган талаб ва таклифнинг нисбати асосида уларни котировкалашни (уларнинг нархини белгилашни) амалга ошириши;**<br>**биржа савдолари ўтказиш жойи ҳамда вақти тўғрисида биржа аъзоларини ўз вақтида хабардор қилиши;**<br>**тузилган биржа битимларининг бажарилишини таъминлаш учун шарт-шароитлар яратиши;**<br>**биржа аъзоларининг ўзаро мажбуриятларини белгилашни, аниқлаштиришни ҳамда ҳисобга олишни (клиринг), шунингдек банкда очилган махсус ҳисобварақлар орқали улар ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китобларни амалга ошириши;**<br>**биржа ва биржа аъзолари пул маблағларининг алоҳида-алоҳида ҳисобини юритиши;**<br>**мунтазам равишда (ҳафтасига камида бир марта) ўз расмий веб-сайтида биржа товарларининг котировкаларини (нархларини) жойлаштириши, шунингдек биржа аъзоларини ҳар бир биржа савдосининг** | Ўзбекистон Республикаси "Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида"ги Қонунининг (янги таҳрирдаги) 6-моддасига мувофиқ тўлдирилмокда. |



24.06.2015

| | | | |
|---|---|---|---|
| | | **якунлари тўғрисида хабардор қилиб бориши шарт.**<br>**Биржанинг зиммасида қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.** | |
| 5. | V. УСТАВ ФОНДИ (УСТАВ КАПИТАЛИ), УНИ КЎПАЙТИРИШ ВА КАМАЙТИРИШ ТАРТИБИ<br><br>19. Биржанинг устав фонди (устав капитали) акциядорлар олган Биржа акцияларининг номинал қийматидан ташкил топади. Биржа устав фонди (устав капитали) 1 069 600 000 (бир миллиард олтмиш тўққиз миллион олти юз минг) сўмни ташкил этади ва ҳар бирининг номинал қиймати 1000 (бир минг) сўмга тенг бўлган, эгасининг номи ёзилган 1 069 600 (бир миллион олтмиш тўққиз минг олти юз) та оддий акциядан иборат.<br><br>*Акциялар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда депозитарийларнинг ҳисобга олиш рўйхатларидаги ёзув шаклида муомалага чиқарилади ва жойлаштирилади.* | V. УСТАВ ФОНДИ (УСТАВ КАПИТАЛИ), УНИ КЎПАЙТИРИШ ВА КАМАЙТИРИШ ТАРТИБИ<br><br>19. Биржанинг устав фонди (устав капитали) акциядорлар олган Биржа акцияларининг номинал қийматидан ташкил топади **ва Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида ифодаланади.** Биржа устав фонди (устав капитали) 1 069 600 000 (бир миллиард олтмиш тўққиз миллион олти юз минг) сўмни ташкил этади ва ҳар бирининг номинал қиймати 1000 (бир минг) сўмга тенг бўлган, эгасининг номи ёзилган 1 069 600 (бир миллион олтмиш тўққиз минг олти юз) та оддий акциядан иборат.<br>**Акциялар электрон шаклдаги ҳисобга олиш регистрларидаги ёзувлар тарзида ҳужжатсиз шаклда муомалага чиқарилади.** | Ўзбекистон Республикаси "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонунининг (янги таҳрирдаги) 16-моддасига мувофиқ таҳририй тузатиш киритилмокда.<br><br>Ўзбекистон Республикаси "Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида"ги Қонунининг (янги таҳрирдаги) 4-моддасига мувофиқ таҳририй тузатиш киритилмокда. |
| 6. | VII. БИРЖА ТОМОНИДАН АКЦИЯЛАРНИ ЖОЙЛАШТИРИШ ТАРТИБИ ВА ШАРТЛАРИ<br>30. *Биржанинг акцияларига ҳақ тўлаш бозор қийматида пул воситасида амалга оширилади.*<br><br>*Биржа ўз акцияларини ёпиқ обуна усулида жойлаштиради.* | VII. БИРЖА ТОМОНИДАН АКЦИЯЛАРНИ ЖОЙЛАШТИРИШ ТАРТИБИ ВА ШАРТЛАРИ<br><br>30. **Биржа акцияларини жойлаштириш чоғида уларга ҳақ тўлаш пул воситасида амалга оширилади.**<br><br>**Биржа ўзи чиқараётган акцияларга уларни хусусий жойлаштириш йўли билан ёпиқ обуна ўтказади.** | Ўзбекистон Республикаси "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонунининг (янги таҳрирдаги) 31-моддасига мувофиқ таҳририй тузатиш киритилмокда.<br>Ўзбекистон Республикаси "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонунининг (янги таҳрирдаги) 5-моддасига мувофиқ таҳририй тузатиш киритилмокда. |

| | | | |
|---|---|---|---|
| 7. | IX. БИРЖА АЪЗОЛАРИ, УЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ<br><br>49. Банклар ва Ўзбекистон Республикаси резиденти ҳисобланган бошқа юридик шахслар Биржа аъзолари ***бўлишлари мумкин.*** | IX. БИРЖА АЪЗОЛАРИ, УЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ<br><br>49. **Биржа томонидан белгиланган тартибда биржа савдоларида иштирок этиш ҳамда биржа битимларини тузиш ҳуқуқини олган** банклар ва Ўзбекистон Республикаси резиденти ҳисобланган бошқа юридик шахслар Биржа аъзолари **ҳисобланади.** | Ўзбекистон Республикаси "Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида"ги Қонунининг (янги таҳрирдаги) 13-моддасига мувофиқ таҳририй тузатиш киритилмоқда. |
| | 53. Биржа аъзолари қуйидаги ҳуқуқларга эга:<br>1) биржа ***операцияларини ўтказишда*** иштирок этиш;<br><br>*Тўлдирилмоқда.*<br><br>*2) ўзларининг Биржадаги фаолиятларини таъминлаш учун зарур бўлган маълумотни олиш;*<br>*3) биржа операцияларини ташкиллаштириш ва ўтказишга оид масалалар юзасидан Кузатув кенгаши муҳокамасига таклифлар киритиш;*<br>*4) биржа савдо қоидаларида белгиланган тартибда савдо, ҳисоб-китоб, депозитарий ва бошқа тизимлар* хизматидан фойдаланиш.<br><br>*Тўлдирилмоқда.* | 53. Биржа аъзолари қуйидаги ҳуқуқларга эга:<br>1) биржа савдоларида иштирок этиш **ва биржа битимларини тузиш;**<br><br>**2) биржа комиссиялари фаолиятида иштирок этиш;**<br>**3) биржа савдоси қоидаларини ишлаб чиқишда иштирок этиш;**<br><br>**Чиқариб ташланмоқда.**<br><br>**4) биржа томонидан тақдим этиладиган** хизматлардан фойдаланиш;<br><br>**5) ҳар бир биржа савдосининг якунлари тўғрисида ахборот олиш.** | Ўзбекистон Республикаси "Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида"ги Қонунининг (янги таҳрирдаги) 14-моддасига мувофиқ таҳририй тузатиш киритилмоқда.<br><br>Ўзбекистон Республикаси "Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида"ги Қонунининг (янги таҳрирдаги) 14-моддасига мувофик тўлдирилмоқда.<br><br>Ўзбекистон Республикаси "Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида"ги Қонунининг (янги таҳрирдаги) 14-моддасига мувофиқлаштириш мақсадида чиқариб ташланмоқда.<br><br>Ўзбекистон Республикаси "Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида"ги Қонунининг (янги таҳрирдаги) 14-моддасига мувофиқ таҳририй тузатиш киритилмоқда.<br>Ўзбекистон Республикаси "Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида"ги Қонунининг (янги таҳрирдаги) 14-моддасига мувофик тўлдирилмоқда. |
| | 54. Биржа аъзолари қонун ҳужжатлари ва Биржа уставига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин. | 54. Биржа аъзолари қонун ҳужжатлари ва **биржа савдоси қоидаларига** мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин. | Ўзбекистон Республикаси "Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида"ги Қонунининг (янги таҳрирдаги) 14-моддасига мувофиқ таҳририй тузатиш киритилмоқда. |



24.06.2015

| | | | |
|---|---|---|---|
| | 55. Биржа аъзоларининг мажбуриятлари:<br><br>*Тўлдирилмоқда.*<br><br>1) ушбу устав ва Биржа фаолиятини тартибга солувчи бошқа ички меъёрий ҳужжатларга риоя этиш;<br>*2) Биржада тузилган битимлар юзасидан мажбуриятларни ўз вақтида бажариш;*<br><br>*Тўлдирилмоқда.*<br><br>3) Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ муҳофаза қилинадиган ахборотларни учинчи шахсларга ошкор қилмаслик. | 55. Биржа аъзоларининг мажбуриятлари:<br><br>**1) Биржада ўз фаолиятини қонун ҳужжатларига ва биржа савдоси қоидаларига мувофиқ амалга ошириш;**<br><br>2) ушбу устав ва Биржа фаолиятини тартибга солувчи бошқа ички меъёрий ҳужжатларга риоя этиш;<br>**Чиқариб ташланмоқда.**<br><br>**3) Биржага ўзларининг биржа савдоларида иштирок этганлиги ҳамда биржа битимларини тузганлиги билан боғлиқ тўлиқ ахборотни ўз вақтида тақдим этиши;**<br>4) Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ муҳофаза қилинадиган ахборотларни учинчи шахсларга ошкор қилмаслик. | Ўзбекистон Республикаси "Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида"ги Қонунининг (янги таҳрирдаги) 14-моддасига мувофиқ тўлдирилмоқда.<br><br>Ўзбекистон Республикаси "Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида"ги Қонунининг (янги таҳрирдаги) 14-моддасига мувофиқлаштириш мақсадида чиқариб ташланмоқда.<br><br>Ўзбекистон Республикаси "Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида"ги Қонунининг (янги таҳрирдаги) 14-моддасига мувофиқ тўлдирилмоқда. |
| | 56. Биржа аъзолари қонун ҳужжатлари ва *Биржа уставига* мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин. | 56. Биржа аъзолари қонун ҳужжатлари ва **биржа савдоси қоидаларига** мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин. | Ўзбекистон Республикаси "Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида"ги Қонунининг (янги таҳрирдаги) 14-моддасига мувофиқ таҳририй тузатиш киритилмоқда. |
| | 57. Биржа аъзолари биржа операцияларини:<br>ўзларининг номидан ва ўзларининг ҳисобидан;<br>ўзларининг номидан ***ва мижозларининг ҳисобидан*** амалга оширишлари мумкин. | 57. Биржа аъзолари биржа операцияларини:<br>ўзларининг номидан ва ўзларининг ҳисобидан;<br>ўзларининг номидан **мижознинг топшириғи бўйича ва унинг ҳисобидан** амалга оширишлари мумкин. | Таҳририй тузатиш киритилмоқда. |
| 8. | XI. КУЗАТУВ КЕНГАШИ<br><br>93. Биржа Кузатув кенгашининг ваколат доирасига қуйидагилар киради:<br>1) Биржа **фаолиятининг устувор** | XI. КУЗАТУВ КЕНГАШИ<br><br>93. Биржа Кузатув кенгашининг ваколат доирасига қуйидагилар киради:<br>1) Биржани **ривожлантиришнинг асосий** | Ўзбекистон Республикаси "Биржалар ва |

| | | |
|---|---|---|
| йўналишларини белгилаш;<br><br>2) Биржа акциядорларининг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишларини чақириш;<br>3) Акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибини тайёрлаш;<br>4) Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жойни белгилаш;<br>5) Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун Биржа акциядорлари реестрини шакллантириш санасини белгилаш;<br>6) Биржа уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёки Биржанинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш масалаларини Акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун киритиш;<br>7) Мол-мулкининг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;<br>8) Биржанинг йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш;<br>9) Ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг ходимларини тайинлаш, шунингдек ҳар чоракда унинг ҳисоботларини эшитиб бориш;<br>10) Биржа Ижроия органининг фаолиятига дахлдор ҳар қандай ҳужжатлардан эркин фойдаланиш ва Биржа Кузатув кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун ҳужжатларни Ижроия органидан олиш. Олинган ҳужжатлардан Кузатув кенгаши ва унинг аъзолари фақат хизмат мақсадларида фойдаланишлари мумкин;<br>11) Аудиторлик текширувини ўтказиш тўғрисида, аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш ҳақида қарор қабул қилиш учун акциядорлар умумий йиғилишига | йўналишларини белгилаш;<br><br>2) Биржа акциядорларининг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишларини чақириш;<br>3) Акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибини тайёрлаш;<br>4) Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жойни белгилаш;<br>5) Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун Биржа акциядорлари реестрини шакллантириш санасини белгилаш;<br>6) Биржа уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёки Биржанинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш масалаларини Акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун киритиш;<br>7) Мол-мулкининг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;<br>8) Биржанинг йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш;<br>9) Ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг ходимларини тайинлаш, шунингдек ҳар чоракда унинг ҳисоботларини эшитиб бориш;<br>10) Биржа Ижроия органининг фаолиятига дахлдор ҳар қандай ҳужжатлардан эркин фойдаланиш ва Биржа Кузатув кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун ҳужжатларни Ижроия органидан олиш. Олинган ҳужжатлардан Кузатув кенгаши ва унинг аъзолари фақат хизмат мақсадларида фойдаланишлари мумкин;<br>11) Аудиторлик текширувини ўтказиш тўғрисида, аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш ҳақида қарор қабул қилиш учун акциядорлар умумий йиғилишига таклиф | биржа фаолияти тўғрисида"ги Қонунининг (янги таҳрирдаги) 5-моддасига мувофиқ таҳририй тузатиш киритилмоқда. |



| | | |
|---|---|---|
| таклиф киритиш;<br>12) Биржанинг филиалларини ташкил этиш ва ваколатхоналарини очиш;<br>13) Биржанинг шўъба ва тобе хўжалик жамиятларини ташкил этиш;<br>14) Дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар бериш;<br>15) Биржанинг захира фондидан ва бошқа фондлардан фойдаланиш;<br>16) Баланс қиймати ёки олиш қиймати битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилинаётган санада Биржа соф активлари миқдорининг ўн беш фоизидан эллик фоизигачасини ташкил этувчи мол-мулк хусусида йирик битим тузиш ҳамда қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда Биржанинг аффилланган шахслари билан битимлар тузиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;<br>17) Биржанинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлиқ битимларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузиш;<br>18) Биржанинг устав фонди (устав капитали)ни кўпайтириш масалаларини, шунингдек Биржа уставига устав фонди (устав капитал)ни кўпайтириш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги масалаларни акциядорлар умумий йиғилиши ҳал қилиши учун киритиш;<br>19) Биржанинг Ижроия органига тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг миқдорларини белгилаш;<br>20) *Биржа аъзолигига қабул қилиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;* | киритиш;<br>12) Биржанинг филиалларини ташкил этиш ва ваколатхоналарини очиш;<br>13) Биржанинг шўъба ва тобе хўжалик жамиятларини ташкил этиш;<br>14) Дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар бериш;<br>15) Биржанинг захира фондидан ва бошқа фондлардан фойдаланиш;<br>16) Баланс қиймати ёки олиш қиймати битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилинаётган санада Биржа соф активлари миқдорининг ўн беш фоизидан эллик фоизигачасини ташкил этувчи мол-мулк хусусида йирик битим тузиш ҳамда қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда Биржанинг аффилланган шахслари билан битимлар тузиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;<br><br>17) Биржанинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлиқ битимларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузиш;<br>18) Биржанинг устав фонди (устав капитали)ни кўпайтириш масалаларини, шунингдек Биржа уставига устав фонди (устав капитал)ни кўпайтириш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги масалаларни акциядорлар умумий йиғилиши ҳал қилиши учун киритиш;<br>19) Биржанинг Ижроия органига тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг миқдорларини белгилаш;<br>20) **Биржа аъзолигига қабул қилиш, аъзоликни тўхтатиб туриш, тугатиш тартибини тасдиқлаш;** | Ўзбекистон Республикаси "Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида"ги Қонунининг (янги таҳрирдаги) 5-моддасига мувофиқ таҳририй тузатиш киритилмоқда. |

| | | |
|---|---|---|
| 21) *Биржа фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича ва жорий амалий вазифаларни ҳал этиш учун* доимий ва муваққат комиссиялар тузиш; | 21) доимий ва муваққат комиссиялар тузиш; | Таҳририй тузатиш киритилмоқда. |
| 22) *Биржа ундирадиган воситачилик мукофоти (йиғимлари) миқдорини ва тартибини белгилаш;* | **22) аъзолик бадалларининг ва Биржа томонидан кўрсатиладиган хизматлар учун тўловларнинг миқдорини, воситачилик мукофоти ҳамда уларни ундириш тартибини белгилаш;** | Ўзбекистон Республикаси "Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида"ги Қонунининг (янги таҳрирдаги) 5-моддасига мувофиқ таҳририй тузатиш киритилмоқда. |
| *Тўлдирилмоқда.* | **23) биржа савдоси қоидаларини бузганлик учун жарималарнинг миқдорларини ва уларни ундириш тартибини белгилаш;** | Ўзбекистон Республикаси "Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида"ги Қонунининг (янги таҳрирдаги) 5-моддасига мувофиқ тўлдирилмоқда. |
| 23) Биржа тафтиш комиссияси аъзоларига тўланадиган ҳақ ва компенсация миқдори юзасидан тавсиялар бериш;<br>24) Биржа савдолари қоидаларини ва Биржа фаолиятини тартибга солувчи бошқа ички меъёрий ҳужжатларни тасдиқлаш;<br>25) Биржа томонидан жойлаштирилган ўз акцияларини белгиланган тартибда кейинчалик қайта сотиш мақсадида сотиб олиш ҳақида қарор қабул қилиш. | **24)** Биржа тафтиш комиссияси аъзоларига тўланадиган ҳақ ва компенсация миқдори юзасидан тавсиялар бериш;<br>**25)** Биржа савдолари қоидаларини ва Биржа фаолиятини тартибга солувчи бошқа ички меъёрий ҳужжатларни тасдиқлаш;<br>**26)** Биржа томонидан жойлаштирилган ўз акцияларини белгиланган тартибда кейинчалик қайта сотиш мақсадида сотиб олиш ҳақида қарор қабул қилиш**;** | |
| ***Тўлдирилмоқда.*** | **27) биржа фаолияти устидан назоратни амалга ошириш.** | Ўзбекистон Республикаси "Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида"ги Қонунининг (янги таҳрирдаги) 5-моддасига мувофиқ тўлдирилмоқда. |



| XII. ИЖРОИЯ ОРГАНИ | XII. ИЖРОИЯ ОРГАНИ | |
|---|---|---|
| 99. Биржанинг кундалик фаолиятига раҳбарлик*ни* "Ўзбекистон республика валюта биржаси" акциядорлик жамияти Ижроия органи тўғрисида"ги Низомга мувофиқ ҳаракат қилувчи яккабошчилик асосидаги Ижроия органи – Бош директор амалга ***оширади***. | 99. Биржанинг кундалик фаолиятига раҳбарлик **қилиш** "Ўзбекистон республика валюта биржаси" акциядорлик жамияти Ижроия органи тўғрисида"ги Низомга мувофиқ ҳаракат қилувчи яккабошчилик асосидаги Ижроия органи – Бош директор **томонидан** амалга **оширилади**. | Таҳририй тузатиш киритилмоқда. |
| | **Бош директорни тайинлаш (сайлаш) тўғрисидаги қарор хорижий менежерлар ҳам иштирок этиши мумкин бўлган танлов асосида қабул қилинади.** | Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 24 прредлдаги ПФ-4720-сонли "Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонига мувофиқ тўлдирилмоқда. |
| 100. Биржа Бош директори:<br>1) Биржа Акциядорлари умумий йиғилишининг ва Кузатув кенгашининг қарорлари бажарилишини ташкил этади;<br>2) Биржа номидан ишончномасиз иш юритади, шу жумладан унинг манфаатларини ифодалайди, Биржа номидан битимлар тузади;<br>3) Штатларни тасдиқлайди, Биржанинг барча ходимлари бажариши мажбурий бўлган буйруқлар чиқаради ва кўрсатмалар беради;<br>4) Ўз ваколатлари доирасида Биржанинг ички меъёрий ҳужжатларини тасдиқлайди; | 100. Биржа Бош директори:<br>1) Биржа Акциядорлари умумий йиғилишининг ва Кузатув кенгашининг қарорлари бажарилишини ташкил этади;<br>2) Биржа номидан ишончномасиз иш юритади, шу жумладан унинг манфаатларини ифодалайди, Биржа номидан битимлар тузади;<br>3) Штатларни тасдиқлайди, Биржанинг барча ходимлари бажариши мажбурий бўлган буйруқлар чиқаради ва кўрсатмалар беради;<br>4) Ўз ваколатлари доирасида Биржанинг ички меъёрий ҳужжатларини тасдиқлайди; | |
| 5) Биржа аъзоларини биржа савдоларида иштирок этишига рухсат беради ва биржа савдоларида иштирок этаётган вакилларининг касбий лойиқлигини текширади; | 5) Биржа аъзоларини биржа савдоларида иштирок этишига рухсат беради ва **уларнинг** биржа савдоларида иштирок этаётган **ходимлари (трейдерлари)** касбий **малакасини текширишни ташкил этади;** | Таҳририй тузатиш киритилмоқда. |
| 6) Биржа аъзоларини биржа савдоларида иштирок этишдан вақтинча четлаштириш ва Кузатув кенгаши муҳокамасига Биржа аъзоларини аъзоликдан чиқариш масалаларини қўяди; | 6) Биржа аъзоларини биржа савдоларида иштирок этишдан вақтинча четлаштириш ва Кузатув кенгаши муҳокамасига Биржа аъзоларини аъзоликдан чиқариш масалаларини қўяди; | |
| 7) **Хорижий валютага бўлган таклиф ва талаб орасидаги кескин номутаносиблик юзага келиши каби айрим ҳолатлар** | 7) **Агар биржа товарларининг котировкалари (нархлари) биржа томонидан белгиланган чегаравий миқдордан ўзгариб** | Таҳририй тузатиш киритилмоқда. |

| | | | |
|---|---|---|---|
| | **вужудга келганда, биржа савдоларини (операцияларини) вақтинча тўхтатиш** ҳақида қарор қабул қилади;<br>8) Қонун ҳужжатларига мувофиқ Биржа акциядорлари умумий йиғилиши ёки Кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилмаган, Биржанинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилишга доир бошқа масалаларни ҳал этади.<br><br>101. Кузатув кенгаши раиси томонидан Биржа номидан Бош директор билан *меҳнат шартномаси* имзоланади. Бош директор билан тузиладиган *меҳнат шартномасида* унинг Биржа фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича мажбуриятлари ҳамда Биржанинг йиллик бизнес-режасини бажариш қандай бораётганлиги юзасидан акциядорларнинг умумий йиғилиши ва Кузатув кенгаши олдида берадиган ҳисоботларининг даврийлиги назарда тутилади.<br>102. Акциядорларнинг умумий йиғилиши Бош директор билан тузилган *меҳнат шартномасини*, агар *меҳнат шартномаси* шартлари *бузилган тақдирда*, тугатишга (бекор қилишга) *ҳақлидирлар*. | **кетса, биржа савдоларини** тўхтатиш ҳақида қарор қабул қилади;<br><br>8) Қонун ҳужжатларига мувофиқ Биржа акциядорлари умумий йиғилиши ёки Кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилмаган, Биржанинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилишга доир бошқа масалаларни ҳал этади.<br><br>101. Кузатув кенгаши раиси томонидан Биржа номидан Бош директор билан **шартнома** имзоланади. Бош директор билан тузиладиган **шартномада** унинг Биржа фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича мажбуриятлари ҳамда Биржанинг йиллик бизнес-режасини бажариш қандай бораётганлиги юзасидан акциядорларнинг умумий йиғилиши ва Кузатув кенгаши олдида берадиган ҳисоботларининг даврийлиги назарда тутилади.<br><br>102. Акциядорларнинг умумий йиғилиши Бош директор билан тузилган **шартномани**, агар **шартнома** шартлари **бузилса**, тугатишга (бекор қилишга) **ҳақли**. | Таҳририй тузатиш киритилмоқда.<br><br>Таҳририй тузатиш киритилмоқда. |
| 10. | XIV. БИРЖАНИНГ МОЛ-МУЛКИ, ФОНДЛАРИ, ФОЙДАСИНИ ТАҚСИМЛАШ ВА ЗАРАРИНИ ҚОПЛАШ ТАРТИБИ<br><br>113. Биржанинг даромади қуйидагилар ҳисобига ҳосил бўлади:<br>1) биржа савдоларини ташкиллаштиришдан ундириладиган воситачилик мукофоти *(йиғимлари)*;<br>2) аъзолик бадаллари;<br>3) Биржа кўрсатадиган маслаҳат, ахборот ва бошқа турдаги хизматлар учун тўланадиган ҳақ; | XIV. БИРЖАНИНГ МОЛ-МУЛКИ, ФОНДЛАРИ, ФОЙДАСИНИ ТАҚСИМЛАШ ВА ЗАРАРИНИ ҚОПЛАШ ТАРТИБИ<br><br>113. Биржанинг даромади қуйидагилар ҳисобига ҳосил бўлади:<br>1) биржа савдоларини ташкиллаштиришдан ундириладиган воситачилик мукофоти;<br><br>2) аъзолик бадаллари;<br>3) Биржа кўрсатадиган маслаҳат, ахборот ва бошқа турдаги хизматлар учун тўланадиган ҳақ; | Таҳририй тузатиш киритилмоқда. |



RO'YXATGA OLINDI 24.06.2015

| | | | |
|---|---|---|---|
| | 4) Биржа томонидан ундириладиган жарималар;<br>5) бошқа тушумлар.<br>114. Биржа даромадидан барча фаолият турларини амалга ошириш, шу жумладан, меҳнатга ҳақ тўлаш учун қилинадиган харажатлар қопланади. Қолган даромаддан солиқ тўловлари ва бошқа мажбурий тўловлар амалга оширилади.<br>*Даромаднинг қолган миқдори Биржанинг соф фойдаси ҳисобланади.* | 4) Биржа томонидан ундириладиган жарималар;<br>5) бошқа тушумлар.<br>114. Биржа даромадидан барча фаолият турларини амалга ошириш, шу жумладан, меҳнатга ҳақ тўлаш учун қилинадиган харажатлар қопланади. Қолган даромаддан солиқ тўловлари ва бошқа мажбурий тўловлар амалга оширилади.<br><br>**Чиқариб ташланмоқда.** | Соф фойда тушунчаси Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексида тўлиқ акс этганлиги сабабли чиқариб ташланмоқда. |
| 11. | XVII. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ<br>135. ***Биржа савдолари иштирокчилари, Биржа ва савдо иштирокчилари ўртасида вужудга келадиган баҳс ва низолар махсус комиссияда кўриб чиқилади.*** | XVII. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ<br><br>135. **Биржа фаолияти соҳасидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.** | Ўзбекистон Республикаси "Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида"ги Қонунининг (янги таҳрирдаги) 21-моддасига мувофиқ таҳририй тузатиш киритилмоқда. |

**БОШ ДИРЕКТОР** **Н. БЕКМИРЗАЕВ**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKA VALYUTA BIRJASI AKSIYADORLIK JAMIYATI O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI, TOSHKENT SHAHRI, SH. RASHIDOV KO'CHASI, 4 UY